



Айни пайтда республикамизнинг иқтисодий соҳасидаги катта ютуқларидан бири бу — фуқароларимиз учун тадбиркорликка кенг йўллар очиб берилганидир. Чунки тадбиркорларимиз жамиятимизнинг энг фаол кишилари, тадбиркорлик даврининг энг самарали соҳаларидан бири бўлиб қолаётганини бугунги кун натижалари кўрсатиб бераётди. Бунинг учун эса уларга банклар доимий ҳамкор ва молиявий мададкор бўлиб келмоқда.

ланиб, "Микрокредитбанк" акциядорлик тижорат банки ташкиллаштирган "Ёш тадбиркор томонидан тақдим этилган энг яхши лойиҳа" кўрик-танловининг республика босқичида қатнашиш имконига эга бўлди ва ташкилотчиларнинг эътирофига сазовор бўлди.

Умуман, банкнинг Навоий вилояти филиали фаолиятини таҳлил этадиган бўлсак, 833 та тадбиркорлик субъектларига кредит ажратилган. Уларнинг беш юз етмишга яқинини хусусий тадбиркор, бир юз ўн тўққизтасини микрофирма, ўн ол-

ТАДБИРКОР МУВАФФАҚИЯТИ — ТАРАҚҚИЁТ ҚАНОТИ

"Микрокредитбанк"нинг Навоий вилояти филиали жамоаси томонидан кўпгина ижобий ишлар амалга оширилмоқда

Айтиш кераки, яратувчиликка, халққа хизмат қилишга бел боғлаган кўллаб юрдошларимиз ҳам ўзларининг ният ва орзу-истакларига айнан тадбиркорлик орқали эришмоқдалар. Уларни кўллаб-қувватлаш учун эса республикамиздаги кўпгина молия муассасалари қаторида "Микрокредитбанк" акциядорлик тижорат банки томонидан ҳам қўлай, тезкор ва ишончли хизмат турлари таклиф этилмоқдаки, натижада ҳар бир мижоз фаолияти кенгайиш баробарида уларнинг сафига янги-янги мижозлар келиб қўшилмоқда. Президентимизнинг 2008 йил 10 ноябрда "Микрокредитбанк" акциядорлик тижорат банкнинг тадбиркорлик субъектларини кўллаб-қувватлаш борасидаги фаолиятини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармон тадбиркорларимиз учун янада катта имтиёзлар берилаётгани, уларнинг юрт тараққиётига муносиб улуш қўшишдек эзгу мақсадларини амалга ошириши учун қўйилган даражада қўлдан келди.



Сирасини айтганда, ҳозирги пайтда "Микрокредитбанк" акциядорлик тижорат банки республикамиз иқтисодийтини ривожлантириш, ватанимизнинг куч-қудратини ошириш, халқимизнинг ҳаётини фаровон этиш йўлида ўз ҳиссасини янада кўпроқ қўшишга ҳаракат қилмоқда. Банк ўтган йиллар мобайнида тадбиркорликни имтиёзли микросармоялар билан таъминлайдиган ўз хизматлари билан республикамизнинг барча ҳудудларини қамраб олди, муҳими узоқ қишлоқлардаги хонадонларгача кириб борди. Бундай жараён банкнинг Навоий вилояти филиали фаолиятида ҳам яққол кўзга ташланади. Филиал мижози ҳисобланган кўллаб тадбиркорлар ўзлари ишлаб чиқараётган ёки кўрсатаётган хизматлари туфайли аллақачон вилоятнинг етакчи ишбилармон кишисига айланиб улгурган.

"Микрокредитбанк" акциядорлик тижорат банкнинг Навоий вилояти филиали томонидан 2008 йилнинг ўн бир ойи давомида кичик бизнес субъектларига жами 2528,6 миллион сўмлик микрокредит ажратилган ва микролизинг хизматлари кўрсатилган. Ушбу маблағларнинг 706,2 мунг сўми бошланғич сармояни шакллантириш учун ажратилган бўлса, 1178,7 мунг сўми айланма маблағни тўлдирishга йўналтирилган.

титасини деҳқон ҳўжалиги, бир юз йигирма тўққизтасини эса фермер ҳўжалиги ташкил этади.

Шунингдек, банк филиали мамлакатимиз раҳбари томонидан 2004 йил 25 майда имзоланган "Ўзбекистон хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини кўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони ижроси юзасидан вилоятдаги тадбиркорлик билан шугулланаётган хотин-қизларга 527,6 миллион сўмлик имтиёзли кредитлар ажратди. Бунинг натижасида саккиз юздан ошдик янги ишчи ўринлари яратилди.

Банк жамоаси Президентимизнинг 2007 йил 21 майдаги "Ўзбекистон Республикасида 2010 йилга қадар хизматлар кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш борасида ҳам бир қатор ишларни амалга оширди. Жумладан, ушбу қарорни тарғиб қилиш мақсадида маъмур соҳа вакиллари ўртасида "Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасидаги энг яхши лойиҳа" кўрик-танловини ташкил қилди. Кўрик-танловга тақдим этилган ишлар асосан саргарошхона, суратхона, стомасервис, ташхис қўйиш хизмати ва умуман қишлоқ жойларида сервис соҳасини ривожлантиришга оид ўнлаб лойиҳалардан иборат бўлди. Бундан кўринадик, банк маблағлари ҳисобига чекка-чекка ҳудудларда маиший ва тиббий жабҳаларда фаолият юритишни истовчилар сафи кенгаймоқда, аҳолининг турмуш маданияти тобора юксала бораёпти. Банк ушбу соҳага жами 404,8 миллион сўмлик кредит ажратган.

Президентимизнинг 2006 йил 23 мартдаги "Шахсий эрдэмчи, деҳқон ва фермер ҳўжалиқларида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига биноан шу давр ичида кам таъминланган оилаларга банкнинг ўз маблағлари ҳисобидан 86,7 миллион сўмлик имтиёзли кредитлар ажратиши эса муҳим ва эътиборли ишларнинг изчил таразда олиб борилаётганлигидан далолатдир.

Хулоса ўрнида айтганда, "Микрокредитбанк"нинг Навоий вилояти филиали жамоаси янги — "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили"да ҳам бундай ижобий ишларни давом эттириш учун доимий изланишда. Яъни, айни пайтда банк ўз маблағлари эвазига вилоятда янги-янги иш ўринларини барпо қилиш, кишиларда тадбиркорлик қобилиятларини шакллантириш, аҳоли турмуш фаровонлигини янада ошириш учун молиявий мададкор ва яқин кўмакчига айланган.

Дилшод УЛУҒМУРДОВ

Навоий вилояти

Эзизбулоқ — эзгу буюққа айланмоқда

Ботир Каримов раҳбарлик қилаётган Фориш туманидаги "Богдон" қоракўлчилик ширкат ҳўжалиги чорвадорлари яқунланган йилни ўзларининг фаолиятларида алоҳида тилга олишади. Бугунги кунда ҳўжаликда 26 минг 500 бош қўй-қўзи, 560 бош йилки 35 та отарда боқилаёпти. Уларнинг парвариши 100 нафар тажрибали қўпон-қўлиққа ишониб топширилган.

Ҳўжалик бош чорвашуноси Нодир Темировнинг таъкидлашича, жамоа қўйивонлари қишнинг қор-қировли кунларига қарамадан чорва захматида бардош бериб келишяпти. Айниқса, Рашид Қурбонов, Фарҳад Қурбонов, Бойар Эргашев каби тажрибали чорва билимдонлари ҳар жиҳатдан ўз ишларига масъулият билан ёндашаётир.

— 2008 йили қишнинг хаддан ташқари совуқ келиши қўпон-қўлиқларимизни анча шошириб қўйган эди, — дейди ҳўжалик иш юритувчиси, тажрибали чорвадор Фарҳад Эргашев. — Бизнинг Анчққудук, Тўлибой, Эзизбулоқ деб номланган яйловларимизда янтоқ, шувок ўсимликлари сөрөб. Қиш мавсумига 2489

тонна хашак жамғарилган эди. Ҳозирда майда, шохли молларни доимий равишда озиклантириш эътиборимизда бўляпти.

Форишдаги "Богдон" ширкат ҳўжалиги ўзининг сўлим табиати, қўвса этадиган, қўвса қўтиладиган уюр-уюр аргумоқлари, бепоён дашту далалари, қора кишиши билан ҳам тилга тушиб улгурган. Бу ерда бог-роғ яратиб, эл-юрт маъмурчилигига ҳисса қўшаётган инсонлар кўп. Маъруф Жумаевни шундайлар сирасига киритиш мумкин. У киши 1,5 гектар ерга 400 туп дарахт экиб, бог яратди.

— Мамлакатимиз Президентининг 2009 йилни

"Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" деб эълон қилиши биз каби қўпон-қўлиқларни беҳад қувонтирди, — дейди йилқибоқар Эркин Фармонов. — Кейинги йилларда ширкат маркази Эзизбулоқда ҳам тадбиркорлар кўпайди. Қишлоққа илғор технологиялар кириб кела бошлади. Биз чорвадорлар ҳам юртимиз равнақи йўлида ўз ҳиссамизни қўшамиз.

Эзизбулоқлик чорвадорларнинг эзгу ниятлари амалга ошишини тилаб қоламиз.

Улуғбек ЖУМАЕВ, "Қишлоқ ҳаёти" муҳбири. Жаззах вилояти



*Эл-юрт равнақи, дастурхонимиз
тўқин-собиқимизни-ю хирмонларимиз
баракаси йўлида астойдил меҳнат
қилаётган азуз бободедқонлар,
шижоатли тадбиркорлар,
зафлатқаш омилару заллақорлар!
Сизларни ва барча
юртдошларимизни Ўнги бил
байрам билан муборакбод этамиз.
Ўнги йилда эзгу ниятларингиз
ижобат бўлиб, турмушингиз янада
фаровонлашиб, бахтингиз баркамол
бўсин!*

"Ўздонмахсулот"
акциядорлик компанияси
жамоаси



Қадрли ҳамюртлар!

“ЎЗВИНОСАНОАТХОЛДИНГ”
холдинг компанияси жамоаси


Сиз азизларни

Янги 2009 йил билан салимий муборакбод этади.

*Янги йил байрамини барчаларимизнинг қалбларимизга
хуринудлик, дастураҳонимизга барака олиб келсин.*

*Юртимиз осмони мусаффо,
кўёни қаровон бўлаверсин!*

Янги йилнингиз муборак бўлсин!



“МАХСАМ ЧИРЧИК”
ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ

барча юртдошларимизни

**2009 йил — Қишлоқ таракқиёти ва
фаровонлиги йили**

кириб келиши муносабати билан самимий қутлайди.

Янги йил тўкин-сочин, қут-баракали бўлсин.

Деҳқонларимизнинг ҳосили мўл, юртимиз янада обод, ҳаётимиз
бундан-да фаровон бўлсин.



